

# Истиқлол Даври Публицистикасида Жадидшунослик Муаммоларининг Ёритилиши Қонуниятлари

Ш. Б. Қосимов<sup>1</sup>

**Annotation:** This article focuses on the emergence of modern Uzbek literature, the nature of works and the commonality of social and political reality. That is, the historical studies developed during the years of independence, and the role of the work of Professor Begali Kasymov in them, were scientifically analyzed.

**Key words and phrases:** History, historical research, mass media, press, scientific conception, research.

Мустақилликнинг дастлабки ўн йилида миллий ўзликни англаш, қадимги қадрият ва анъаналарга қайтиш, бунинг учун эса бой тарихий, адабий меросни тиклаш ва миллат онгигига сингдириш ишлари муҳим вазифа сифатида кун тартибига кўтарилиди. Профессор Б. Қосимов томонидан 2000 йилда “Тафаккур” журналига тайёрланган мақолосида бунинг зарурати очик-ойдин баён этилган эди. “Модомики, бугун миллий ғоя ва миллий мағкуруни шакллантириш, такомиллиштириш ва уни ҳалқ онгига сингдириш бош мақсад бўлиб турган экан, миллий зиёлиларимизнинг ўтган аср охири ва асrimiz бошида бу йўлда олиб борган фаолияти биз учун жуда аскотиши турган гап”[1].

Олимнинг эътирофича, миллий мағкуруни янгидан ўйлаб топиш эмас, балки азалдан бор бўлган миллий дунёкараш, ҳалқпарварлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, илмга рағбат каби фазилатларни ўзида жамлаган асарларни яна ҳалқ бағрига қайтириш керак. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида жадидшунослик муаммолари ва жадид зиёлиларининг шонли йўлининг кенг ёритилиши миллий публицистикамизнинг энг катта ютуғи бўлди, десак янглишмаймиз. 1991 йилга келиб жадидчилик тарихини холис ўрганиш учун реал имконият пайдо бўлди, Жадидшунослик муаммосининг миллий матбуотда ёритилишига доир янги босқични амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиши вазифаси кун тартибига чиқди. Матбуотда, хусусан публицистик асарларда жадидчилик ҳаракатининг ғоявий шарт-шароитлари, ҳаракатга келтирган омиллари, тараққиётга эришиш мағкураси, хотин-қизлар масаласи, янги мактабларнинг вужудга келиши билан боғлиқ тарихий жараёндаги ўрнини батафсил ёритишга киришдилар. Чунки миллат ва миллият тушунчаси, ватанпарварлик ғояси, ижтимоий-эстетик идеал жадид адабиётининг асосий таянч нуқтаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам айнан истиқлол неъмати туфайли ёш авлод учун умуман бегога бўлган “жадидчилик”, “жадид адабиёти” сингари истилоҳлар илмга ҳам, ОАВ ҳам қайтиди. Ўзбекистоннинг янги тарихи сахифаларига янги маълумотлар сифатида киритилди. Шунинг баробарида жадидчилик ҳаракатининг асосий босқичлари даврийлаштирилди, жадидларнинг ижтимоий соҳалардаги асосий хизматлари тавсифланди, улар фаолиятининг хусусиятлари кўрсатилди, жадидчиликнинг йирик вакиллари таржима ҳоли ёритилди.

Бундан ташқари О. Шарафиддинов, Н. Каримов, Б. Қосимов, У. Долимовлар биринчилардан бўлиб, ўз даврининг йирик шоир ва ёзувчилари, публицистлари адабий меросини топиш, тўплаш, нашр қилиш ва улар хақида тадқиқотлар яратиши ишларини бошловчиларидан бўлди.

Шунинг учун мамлакатнинг етакчи нашриётлари, нуфузли газета ва журналларида жадидшунослик муаммоларининг кенг ёритилишига эътибор қаратилди. Масалан, “Шарқ” нашриёти томонидан “Истиқлол фидойилари” номли серияли китобларда жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан бўлган Мустафо Чўқай, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Отажон Ҳошим, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Авлоний, Бехбудий, Сиддиқий-Ажзий, Абдурауф Фитратларнинг асарлари жорий имлога табдил қилиниб, таржимаи холлари тшлиқ тикланиб нашр этилди. Яна бир йирик нашриёт “Маънавият” нашриёти ҳам бу соҳада салмоқли ишларни амалга ошириди. Ўз номи билан маънавий ҳаётимиз учун зарур адабиётларни ҳалққа етказиш, миллат маърифатига хизмат қилиш ушбу нашриётнинг бош аъмолидир. Нашриёт мустақилликнинг илк йилларида бошқа матбуот жабхаларида бўлгани каби миллий ўйғониш даври деб тарихга кирган залворли йиллар, киска даврда жадидлар эришган ютукларни яна ўзбеклар қалбига қайтириш мақсадида қатор хайрли ишларни амалга ошириди. Профессор Б. Қосимов таърифлаганидек, “жадидчилик ҳаракатининг бонийси” ҳисобланган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Танланган асарлар”ининг чоп этилиши мазкур нашриёт фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Қолаверса, серияли туркум китоблар нашрини ҳам унинг илк фаолиятида кўришимиз мумкин. “Шарқ” нашриёти “Истиқлол фидойилари” номи остида туркумлар нашр этган бўлса, “Маънавият” нашриёти эса “Истиқлол қаҳрамонлари” деб номланган туркум остида жадидлар фаолияти, маърифатга чорловчи асарлари, архивларда колиб кетган умрномасини ҳакконий ёритиш йўлидан борди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети катта ўқитувчиси

Жадидшунослик муаммоларининг матбуотда кенг ёритилиш конуниятлари ўзбек миллатидан узоқ йиллар яширилган ҳақиқатни билишга ҳақдорлик, фарзандлар қалбида қолган оғрикли дардларга малҳам (*Сайд Ахрорий, Абдулла Қодирий, Фитрат каби жадидлар фарзандлари, яқинларининг узоқ йиллик армонлари* – таъкид бизники Ш.Қосимов), бузиб кўрсатилган тарих саҳифаларини аслига қайтариш, янги адабиёт, миллий драматургия ва театрга асос бўлган манбаларни топиш ва илмий асослаш заруриятидан келиб чиқди. Конуният талабидан келиб чиқиб, “Маънавият” нашриёти томонидан серқирра ижодкор, шоир, педагог, драматург Абдулла Авлонийнинг танланган асарлари 2 жилдга жамланган шаклда китобхонларга эътиборига ҳавола этилди. Қолаверса, Абдурауф Фитрат, Сидкий-Хондайлий, Чўлпон, Каримбек Камий, Исҳоқхон Ибрат, Сиддикий-Ажзий, Мухаммадшариф Сўфизода, Сайд Ахрорий, Абдулҳамид Мажидий, Мунавваркори каби етук жадид зиёлиларининг асарлари ҳам чоп этилгани истиқлолнинг мустаҳкамланишида, тарихий ҳақиқатнинг қарор топишида, миллат гурурини уйғотища мухим аҳамият касб этиди. Йирик олимларнинг жадидчилик фаолиятига оид қарашлари, илмий асарлари кейинчалик адабиётшуносликда жадидшунослик деган илмий ўйналишга асос бўлди. Ўнлаб ёш олимлар томонидан жадидчилик ҳаракатининг у ёки бу қирралари, ноширлик, публицистик, бадиий маҳорати тадқиқига багишланган монографик ишлар амалга оширилди. Б. Қосимовнинг саъй-ҳаракати ва таҳрири остида Беҳбудий Танланган асарларининг тузатилган ва тўлдирилган иккинчи нашри амалга оширилгани соҳада қилинажак ишларнинг салмоғидан далолат берар эди. Шу тарзда истиқлол йилларида жадидлар, жадидчилик ҳаракати, жадид педагогикаси ва методикаси, жадид адабиётининг мавзу кўлами, адабий танқидчилик, миллий матбуотнинг пайдо бўлишига оид илмий-назарий асарлар яратилди. Масалан, Беҳбудийнинг публицистик фаолияти, “Тараққий”, “Ойна”, “Садойи Фарғона”, “Садойи Туркистан”, “Маориф ва ўқитғучи”, “Муштум”, “Хуррият”, “Хуршид” сингари газета ва журнallарнинг фаолияти, мазмун-мундарижаси филологик нуқтаи назардан таҳлил ва талқин қилинди.

Маълумки, жадидчилик ҳаракати факатгина миллий замин билан чегарланиб қолмаган. Ички Русия ўлкаларидаги мусулмон миллатлар билан ҳамкорлик, хориж сафарларидаги танишувлар катта миёсда давом этган. Мустақилликка эришгандан кейин, жадидлар фаолиятини тўлақонли ўрганиш учун хорижий давлатларга илмий, амалий сафарлар уюштирилди. Дунёнинг бой кутубхонларидан ўзбек жадид зиёлилари фаолияти, ижоди билан боғлиқ мухим манбалар топилди ва пайдар пай матбуотда эълон қилиниб борилди. Масалан, адабиётшунос олим Баҳодир Каримовнинг Германия давлатига сафари чоғида 16 ёшли Чўлпоннинг Исмоил Гаспринскийга мактаб йўллагани ва бу мактаб мазмуни, унда кўтарилиган масалалар кўлами, муаллифнинг бетакор гўзал тили “Таржимон” мухарририни лол қолдиргани ва газетада мактаб матни тўлиқ эълон қилингани хабари ўзбек китобхонлари учун янгилик эди. Чўлпоннинг ҳали адабиётга қадам кўймасдан туриб, адабий-эстетик мезонлар, унинг инсон тарбиясидаги ўрни борасидаги умуминсоний фикрлари билан таниши ҳар бир ўзбек қалбida фаҳр туйғусини ўстириши табиий. Исмоилбек Гаспринский мактубга баҳо бериб, “Даҳо гўзал битиклар” сарлавҳаси остида берганини Б. Каримов ҳам алоҳида таъкидлайди.

Шу тариқа бу масалада хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари ҳам конуният асосида шаклланиб борди. Мисол тариқасида, 1995 йилнинг феврал ойида Франциянинг Ўзбекистондаги элчинонаси қошидаги “Марказий Осиёни ўрганиш илмий тадқиқот институти”да жадидчилик масалаларига багишланган ҳалқаро симпозиум ташкил этилди. Унда ўзбекистонлик ва хорижлик олимлар томонидан жадидчилик ҳаракати турли ракурсларда ўрганилган чиқишилар ўрин эгаллади. Симпозиум кун тартиби, меҳмонлар ва мазмуни албатта ОАВ воситаларида ҳам ўз ифодасини топди. Кенг жамоатчилик бу ҳаракатнинг оламшумул аҳамиятидан хабардор этилди. Фақатгина номлари ва асарларинигина билган омма энди, бу ҳаракатнинг тарихий шароит тифайли майдонга келгани, фидойилик, ватанпарварлик эвазига катта янгиликларни олиб кирганидан тўлиқ танишиб борди. Ҳамкорликнинг мантиқий давоми эса 1999 йил 16-18 сентябрда “XX аср бошида Марказий Осиё: жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик” деб номланган йирик ҳалқаро анжуманда давом эттирилди. Бу конференция Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат ва жамият курилиши академиясининг Тарих маркази ва Германия Конрад-Аденауэр жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Ҳамкорлик алоқалари натижасида ўзбек ва хорижлик олимлар, журналистлар томонидан йирик публицистик ва илмий монографик тадқиқотлар яратилди. Масалан, япониялик олим Хисао Коматсунинг Фитрат ижоди тадқиқига багишланган илмий ишлари, Токио университети тадқиқотчиси Ш.Шимадонинг “Ойна” журнали мундарижаси тадқиқига багишланган изланишлари ўзбек журналистикаси тарихини тўлдиришга хизмат қилганини эътироф этиш керак албатта.

Истиқлол йилларида жадидшунослик муаммоларининг ёритилишида хорижий олимларнинг ҳам салмоқли хиссалари бор. Масалан, германиялик олма Ингеборг Балдауфнинг “XX аср ўзбек адабиётига чизгилар” асари ўзбек тилида “Маънавият” нашриётида чоп этилди. Туркия Республикаси олимлари Ҳусайн Ўзбой ҳамда Юсуф Авжилар томонидан Фитрат ва Чўлпон ижоди атрофлича тадқиқ этилди. Ҳалқаро ҳамкорликда тайёрланган 30 жилдан иборат “Турк дунёси адабиёти” антологиясида Туркистон жадидчилиги ва вакиллари ижодига ҳам ўрин берилгани дикқатга сазовордир. Шунингдек, жадидчиликнинг долзарб масалаларини ўрганишда АҚШ, Европа ва Япониялик олимлари фаолиятини эътироф этиш керак. Америкалик тарихчи ва антрополог Адіб Холиддинг “Мусулмон маданияти ислоҳоти сиёсати: Марказий Осиёда жадидчилик” асари XIX аср охири - XX аср бошларида Марказий Осиёдаги уйғониш ҳаракатлари тарихига багишлангани, унда жадидлар ўлқанинг етакчи зиёли қатлами сифатида баҳолангани билан характерлидир.

Ўзбек журналистикаси ва публицистикаси тарихини тадқиқ этган фидойи олим Бойбўта Дўсткораев мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, жадид публицистикаси, унинг пайдо бўлиши, фаолияти билан боғлиқ

қатор кузатишлиарни матбуотда эълон қилиб борди. Олим 1917-1918 йиллари Самарқандда нашр этилган “Хуррият” газетасига бағишиланган қатор публицистик мақолалар нашр эттириди. Олим “Хуррият” газетаси ҳақида маълумот берар экан, у 1335 хижрий йилнинг 7 ражабидан, милодий 1917 йилнинг 16 апрелидан бошлаб, сиёсий, адабий, иқтисодий, илмий газета сифатида Самарқандда ҳафтасига икки мартадан чиққанини аниқлайди. Шунингдек, газетанинг илк сонида газета жамоаси ва фаолиятига бағишиланган қуидаги қайдларни ҳам келтиради: “Хуррият” газетасига ушбу муҳаррирлар мувоннат (ёрдам.- Б.Д.) килурлар: 1) мударрис Сайд Ахмад Васлий, 2) Маҳмудхўжа Беҳбудий, 3) бухоролик мулла Абдурауф Фитрат, 4) Сайд Аҳмадхўжа Сиддикӣ». Дарҳакиқат, мазкур зотлар публицистик, адабий-бадиий асарлари билан “Хуррият”нинг мунгизам суратда чиқишига доимо ёрдамда бўлишди. Ўз даврининг таникли публицистлари бўлган Сайд Ризо Ализода, Ҳожи Муинлар ҳам унда фаол иштирок қилдилар. Булардан ташқари, Садриддин Айний, Гози Юнус, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Чўлпон, Мардонкул Шоҳмажидзода кабилар ҳам ёзиб туришган. Булар “Хуррият”нинг сиёсий-ижтимоий қиёфасини белгилашган. Атоқли сиймо Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Сайд Ризо Ализодаларнинг 12 тадан, Ҳожи Муиннинг 21 та асари “Хуррият” сахифаларида эълон қилинган. Абдурауф Фитратнинг эса, турли жанрдаги 41 та асари чоп қилинган.[4]

Шундай қилиб, XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёда миллий китоб нашриётининг, асосан тошбосмачиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. жадидчилик ҳаракати билан бевосита боғлик бўлиб, бу худудда замонавий босмахоналар, оммавий кутубхоналар ва қироатхоналар, ижодкор зиёлилар қатламишининг пайдо бўлишига хизмат қилган.

**Бундан ташқари олимнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2015 йил 26-сонидаги Нилуфар Намозова билан сұхбатида ҳам жадид публицистикасининг шаклланиш омиллари борасида фикрлари эълон қилинган. Унда жумладан қуидаги фикрлари дикқатга сазовордир:** “Тараққий” дастлабки сонлариданоқ маҳаллий аҳолига чор мустамлакачилари сиёсатининг моҳиятини, миллий зулм, мустабидлик нима эканлигини, озодлик қанчалик буюк неъматлигини англатишга ҳаракат қилди, мусулмонларни жаҳолат ботқофидан олиб чиқишига даъват этувчи материаллар берди. Тез орада газета маҳаллий ҳалқ орасида катта обрўга эга бўлди. Шуниси борки, матбуотнинг қудратли кучга эгалигига қаттиқ ишонч ҳосил қилган маҳаллий зиёлиларни энди газета чиқаришдан тўхтатиб бўлмасди: миллий уйғониш содир бўлганди. “Тараққий” газетаси ҳукумат томонидан ёпилгач, 1906 йилнинг сентябррида Мунавварқори “Хуршид” газетасини чиқаришга муваффақ бўлди. Бу маҳаллий зиёлиларимиз томонидан чиқарилган иккинчи газета эди. “Хуршид” газетаси ҳам, ундан кейин чиқкан “Шуҳрат”, “Осиё”, “Тужкор” газеталари ҳам тез орада ҳукумат томонидан ёпилади. Миллий матбуотимизнинг илк қалдирғочлари — “Тараққий” ва унга маслакдош бўлган газеталар маърифат орқали миллатни уйғонишга, тараққиётга унладилар. Гарчи улар фаолияти қисқа фурсатда тўхтатилган бўлса-да, маҳаллий аҳоли вакиллари газета чиқариш малакасини эгаллаб, матбуотнинг кучли мафкуравий қурол эканига, бу борада қатъий ва изчил ҳаракат қилиш лозимлигига қатъий ишонч ҳосил қилдилар. Бу эса миллий журналистикамиз ривожида катта аҳамиятга эга бўлди.[2]

Олим томонидан илк матбуот қалдирғочи ҳисобланган “Тараққий” газетасидан олинган иқтибослар ҳам табдил қилиниб, “Хуррият” газетасидаги публицистик мақолаларигча иқтибос сифатида қўлланилган. Мисол учун қуидаги сўзларни келтириш мумкин: “Газетамиз “Тараққий” номинда ўлуб, бора-бора жисми ҳам исмиға мувофиқ ўлуб миллатимизни «кейин» қолмоғига, жаҳолат ва ғафлати олийда ўлуб бошқа миллатлардан кам даражада қолмоғига асло рози эмасдирмиз... биноан алайҳа, газетамизнинг нажотимизга, дунё ва охиратда масъул ўлмоғига ёлғуз илм бобидур демак энг биринчи вазифасидур”. Бу орқали биринчидан ўша давр журналистикасининг устивор вазифалари билан танишиш, иккинчидан адабий тилимизнинг босиб ўтган йўлини аниқ тасаввур қилиш имконини яратади. Гарчи газета атиги уч ойгина фаолият кўрсатган бўлса ҳам, кейинги нашрларнинг майдонга келишида, миллий журналистларни тайёрлашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтагани айни ҳақиқат.

Мустақиллик йиллари матбуот сахифаларида адабий-публицистик баҳс, сұхбат кўринишидаги материалларни ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2008 йил, 3 октябр ва 28 ноябр, 2009 йил 10 апрел ва 26 июн сонларида адабиётшунослар — Наим Каримов ва Баҳодир Каримовларнинг Чўлпон ижодиёти, адабий-эстетик қарашлари, фаолиятига бағишиланган сұхбатлари буюк шоир фаолияти борасида янгича ёндашувларга сабаб бўлди.

Дарҳакиқат матбуотнинг қучи илгари ҳам ҳозир ҳам асло пасайган эмас. Қарийб юз йил муқаддам Чўлпон “Бухоро ахбори” да муҳаррирлик лавозимида ишлаб юрганида, нашрнинг 1921 йил 30 июндаги илк сонида қуидаги фикрларни ёзган эди: “Газета... дунёда бешта кучлик давлат бўлса, олтинчиси, олтига бўлса, еттинчисидур...”. Ўша даврда жадидчилик ҳаракатининг бир қаноти адабиёт, бир қаноти таълим-тарбия, маърифат, асосий минбари эса матбуот эканлигини назарда тутадиган бўлсан, қарийб барча жадидлар матбуот тўғрисида баайни фикр юритганлар. Масалан, юқоридаги газетанинг 1923 йил 23 февралдаги сонида “Умумий Ёврупо урушидан илк Ёврупода буюк олти давлат бор эди: Россия, Германия, Франция, Англия, /Австрия/, Италия. Матбуот эса еттинчи буюк давлатдан саналар эди. Матбуотнинг ёлғизининг қучи ва эътибори олти давлатнинг қучи билан баробар келар эди”, дейилгани фикримизга далиллар. Сайд Ахрорий эса “Матбуот ўз синфининг ойнаси бўлуб, у синфи маълум бир доирада уюштурадир. Шу ҳолда бу бир синфи яшатишида жуда мухим ўрун ишғол эткучи бир қуролдир” деб таърифлайди. Бу ерда синф дейилганда, жамиятни назарда тутганини эътибордан сокит қилмаслик керак. Бундан ташқари олимнинг шогирди Нилуфар Намозова билан ҳаммуаллифликда эълон қилган айрим

публицистик маколарида жадид публицистикасининг етакчи намоёндалари фаолиятига бағишиланган чикишларни кузатишмиз мумкин бўлади. Масалан, Буеҳбудийнинг издоши ҳисобланган Ҳожи Муин фаолияти, журналистикага кўшган хизматлари тўғрисида қимматли маълумотлар эълон қилинган. Ҳожи Муиннинг “Буюк устозимиз Беҳбудий афанди” маколаси олимлар томонидан таҳлил, талқин қилиниб, муаллифнинг шогирдлик масъулияти ўз ифодасини топгани баён қилинади. “Беҳбудий афанди ҳалим, зийрак, фоят заковатли, кувваи ҳофизаси зўр бўлдиғидан сўзга-да ниҳоят даражада уста эди. Ул ҳар сўзига қаноатлантирмак учун турли мисоллар келтура, мавқейи келганда оят ва ҳадисдан далиллар кўрсата эди. Шунинг учун анинг сухбати фоят лаззатли ва истифодали бўлур эди... Анинг сухбатинда бўлғон киши руҳлана, шодлана ва анинг оддиндан асло турғуси келмас эди... Беҳбудий афанди шахсий душманлиқни хоҳламас ва ҳеч кимнинг шахсиға ва шахсий ишларига тил еткузмас эди. Ўшандок ўзини такфир ва таҳқир этатурғон ҳасмлариға-да қарши ёмон ва ҳақоратомуз сўзлар сўзламас эди. Балки шундай сўзларни эшитганда, “зотан мундай дин ва дунёдан хабарсиз кишилардан яхши сўзлар кутмак-да абас, мундай тақфирларни ёлғуз мен кўрган эмас, балки ўтган олиму улуғ кишилар ҳам ўз мусосирлариндан шундай тақфирларни кўриб келганлар”, деб кула эдилар. Беҳбудий афандида яна бир хусусият бор эдики, ҳасм ва душманлари анинг кетидан ҳар қанча гийбат ва ҳақорат этсалар-да, анинг ҳузурига ўтурғонда ҳеч бир беҳуда сўз айтолмасдан анга тамлиқ ва мадора этарга мажбур бўлалар эди” – юкоридаги таъриф Ҳожи Муин томонидан устозига нисбатан айтилган эди. Бу узун иқтибоснинг келтирилишидан сабаб, жадидчилик ҳаракатининг карвоноғоси ҳисобланган Беҳбудийнинг маънавий қиёфаси, эътиқодий қарашлари ва табиити тўғрисида маълумот беригина қолмасдан, шундай буюк шахслардан ўнрак олиш, уларга мунособ издоши бўлиш учун ибрат мактабини ҳам ўташи табиий ҳолатдир. Шунга кўра, Б.Дўсткораев ва Н.Намозоваларнинг маколаларида иқтибослар ўринли ва зарурият касб этади. Беҳбудий ҳазратлари олис ҳориж сафарига йўл олганда айнан Ҳожи Муинни “Ойна” журналига муҳаррир этиб тайинлайдики, бу унинг журналистик салоҳияти ҳам борлигини яққол кўрсатувчи далиллар.

Ҳожи Муин ҳам ўз даврида бошқа маслақдошлари сингари публицистикасида матбуот тўғрисида салмоқли фикрлар ёзиб қолдирган. Масалан, “Ҳажвий журнал”, “Самарқандда босмахона ва ерли матбуот ишлари”, “Самарқандда матбуот ахволи”, “Бир яшар “Зарафшон” (бу ерда “Зарафшон” газетасининг бир йиллиги назарда тутилган – таъкид бизни Ш.Қосимов), “Самарқанд қизил ўзбек матбуоти”, “Самарқанд матбуоти тарихи”, “Тугалланиш ўйлида”, “Самарқандда матбуот ишлари”, “Хидматта тухмат” сингари маколаларида жамиятнинг муаммоларига нажот қидирди, матбуотдан бир қувонди, бирда қоникмади. Матбуотнинг миллат учун ойна эканини, ўқиши ва ёзишга рағбати, ижтимоий фикр уйғотишдаги хизматини эътироф этди, шунингдек, миллий матбуотнинг айрим қирраларини таҳлил қилди, тарихий шаклланиш жараёнини фаол тадқиқ этди. Жадидчилик Марказий Осиё минтақаси туб аҳолиси ўртасида ватанпарварлик туйгуларини, миллий ўзликни англаш ва маънавий уйғонища мухим ўрин тутганилиги буғунги кун воқелигига ибратлидир. Жадид адабиёти, хусусан публицистикасининг яна бир мухим жиҳатларидан бири кучли сатира билан берилishiда, фожеликни кулгу билан кўрсата олиши билан характерланади. Марказий Осиёда жадидчилик фояларини ёйиша кучли восита миллий даврий матбуот эди. Жадидлар даврий матбуотни нафакат ахборот узатиш воситаси, балки жамиятдаги камчиликларни ислоҳ этувчи восита сифатида қабул қилганлар. Жадидлар даври матбуоти миллат дунёкарашини кенгайтириш ва мағкуравий уйғонища жиддий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, жадидлар ўз маблағлари ҳисобидан нашр этаётган газета ва журналлар орқали ўз фоя ва қарашларини баён қилдилар, ҳалкнинг миллий-ватанпарварлик руҳини уйғотдилар, “усули жадид” каби мактабларни тарғиб қилдилар, дунёвий ҳаёт учун курашдилар, қолоқликни қораладилар.

Одатда ҳажвий макола ёзиш жуда мураккаб ва кўп киррали, негаки унда муаллифнинг шахсий адовать эмас, балки жамият, инсонлар дардига даво исташ йўлидаги янги услуби етакчилик қилиши керак. Матбуот учун мўлжалланган ҳажвия шунчаки енгил кулгу пайдо қилиш учун эмас, балки иллатларни ҳажв тифи остига олиш, тагматн тушунчаларини бера олиш маҳоратини ҳам талаб этади. Жадид публицистикасида бу характердаги асарлар кўплаб топилади. Масалан, Ҳожи Муиннинг ҳажвий маколалари қолоклик ва ноҷорлик, ҳукумат идораларидағи бошбошдоклик ва талончилик каби иллатларни фош қилгани билан шуҳрат қозонди. Адибнинг бу каби асарларини мустақиллик матбуотида нашр этиши, ўша давр тарихини холис баҳолаш, жаҳолатнинг оқибатларини терананглаш учун ҳам зарур эди. Н.Намозова бу борада самарали фаолият олиб бориб, муаллифнинг публицистик маколалари ададини аниқлади, мавзу жиҳатидан таснифланади ва китобхонлар эътиборига ҳавола этди. Ҳажвияга кенг аҳамият қаратилганининг боисини Ҳожи Муиннинг ўзи бир маколасида шундай изоҳлайди: “Ҳар ерда, айниқса, бизнинг Туркистон ҳалқига жиддий сўзлардан кўра ҳажвий ва кулгили сўзларнинг кўбрак таъсир этиши кўриниб турадир. Бизнинг ҳалқ ҳар вақт тўғри ва жиддий сўзларга илтифот этмай, балки унинг тескарисича кулгилик, ҳангомалик гапларга аҳамият берадир”[3] Б.Дўсткораев ва Н.Намозовалар унинг ҳажвий маколалари Ботурбек, Машраб, Эзма, Аърофий, Чакимчи, Мугомбир каби қатор яширин имзолар билан эълон қилинганини маълум қилганлар. Бу ҳам жадидшунослик муаммоларининг ёритилишида мухим манбалар бўлиб ҳизмат қилган.

Шундай қилиб мустақиллик йилларида куйидаги олимлар томонидан даврий матбуот сахифаларида жадидшунослик муаммоларига бағишиланган энг салмоқли публицистик маколалар эълон қилинган:

- Озод Шарафиддинов. “ЎзАС”, “Тафаккур”, “Жаҳон адабиёти” в.ҳ.к
- Бегали Қосимов. “ЎзАС”, “Хуррият”, “Моҳият”, “Ҳалқ сўзи” в.ҳ.к
- Бойбўта Дўсткораев. “ЎзАС”, “Хуррият”, “Моҳият”, “Ҳалқ сўзи” в.ҳ.к

- Шерали Турдиев. “ЎзАС”, “Хуррият”, “Моҳият”, “Халқ сўзи” в.ҳ.к
- Наим Каримов. “ЎзАС”, “Хуррият”, “Моҳият”, “Халқ сўзи” в.ҳ.к
- Улугбек Долимов. “ЎзАС”, “Хуррият”, “Моҳият”, “Халқ сўзи” в.ҳ.к
- Суннатилла Аҳмедов. “ЎзАС”, “Хуррият”, “Моҳият”, “Халқ сўзи” в.ҳ.к
- Сирожиддин Аҳмад. “ЎзАС”, “Хуррият”, “Моҳият”, “Халқ сўзи” в.ҳ.к
- Илҳом Фаниев. “ЎзАС”, “Хуррият”, “Моҳият”, “Халқ сўзи” в.ҳ.к
- Ҳамидулла Болтабоев. “ЎзАС”, “Хуррият”, “Моҳият”, “Халқ сўзи” в.ҳ.к
- Нурбой Жабборов. “ЎзАС”, “Хуррият”, “Моҳият”, “Халқ сўзи” в.ҳ.к
- Баҳодир Каримов. “ЎзАС”, “Хуррият”, “Моҳият”, “Халқ сўзи” в.ҳ.к
- Шуҳрат Ризаев. “ЎзАС”, “Хуррият”, “Моҳият”, “Халқ сўзи” в.ҳ.к

Юқорида келтирилган муаллифлар ва бошқа ёш тадқиқотчилар томонидан мазкур мавзу қўйидаги таснифга кўра ёритилди:

- Жадидчилик харакатининг пайдо бўлиши ва моҳиятини ёритиш;
- Жадид зиёлиларининг таржимаи ҳолларини тиклаш;
- Миллий педагогикага тамал тошини кўйишдаги харакатларини асослаш;
- Миллий матбуот бевосита жадидлар номи билан боғлиқлигини исботлаш;
- Замонавий дарсликлар ва ўқитиш тизимидағи ўзига хосликларни аниқлаш;
- Хотин-қизлар таълими масаласининг сиёсат дараҷасига кўтаришдаги интилишларини кўрсатиб бериш;
- Миллий адабиётдаги янгиланишларга кўшган хиссасини илмий далиллаш;
- Турли жамиятлар кўмагида миллат болаларини дунёнинг етакчи давлатларида таҳсил олишига қўмак бериш ва келажакдаги кадрлар захирасини таъминланишидаги фидойиликларини халққа танитиш;
- Қатағон сиёсатининг умуммиллий фожеасини реал фактлар мисолида очиқлаш;
- Жадидлар адабий-маданий мероси нуфусини аниқлаш, жорий имлога табдил килиш ва илмий баҳосини бериш заруриятини таклиф этиш борасида концептуал фикрларни илгари сурдилар. Бу эса ўз навбатида тарих, адабиёт, фалсафа, педагогика йўналишларида янги илмий тадқиқотларга, илмий мактабларга асос вазифасини ўтаб хизмат қилди.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. “Тафаккур” журнали 2000 йил 3 сон.
2. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2015 йил 26-сон
3. Ҳожи Муин. Англашилмаслик ёки «Таёқ»нинг таъсири. // Зарафшон, 1923, 18 фев.
4. “Хуррият” газетаси, 2008 йил.